

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №1**  
(Таъмиrlаш ишларини амалга ошириш хақида)

Тошлоқ шаҳарчаси

«24» май 2022 йил

Тошлоқ тумани халқ таълими бўлимни номидан А Солиев биринчи томондан ва бундан буён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади, низом асосида харакат қилувчи, иккинчи томондан “NEW START UP-BUILDINGS” MCHJ номидан унинг раҳбари Ж Вохобов низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Путратчи» деб юритилади ва қуидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

**1. Шартнома предмети**

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топнириғига асосан Тошлоқ тумани халқ таълими бўлимнига қарашли 1-мактаб биносини жорий таъмиrlаш, ишларини бажаришни ўз зиммасига олади хамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

**2. Шартнома баҳоси**

2.1. Шартнома баҳоси 49 500 000 (кирик туқиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил қиласди.

**3. Тўлов шартлари**

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30% микдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи хисоб рақамига хақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмиrlаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган холда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун хисоб-китоб хар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний хисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, якуни 70% (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни хам қушиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни маҳсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга хақ тўланмайди.

Агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишига ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини тўлаши мумкин. Буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши шарт.

**4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари**

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради. 2022 йил 25июн тугатиш

4.2 Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда хақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлик эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар хақини тўлаб бериш муддати 2 ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини маҳсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан хисобга олинади.

## 5. Тарафларнинг хукук вамажбуриятлари

### 5.1. Пудратчи хуқуqlari

Пудратчи қуидагиларни аниқлаган тақдирда дарҳол буюртмачини огохлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт:

буюртмачи берган материал, ускуналар, техник хужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини;

буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини;

пудратчига боғлик бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқлилиги ёки пишиклигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган бошқа ҳолатларни

#### 5.1.1 Пудратчи:

5.1.2. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха хужжатларидағи холатида ишларни Буюртмачига 30 банк иш кунига топширилиши.

5.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш хамда сақлашни амалга ошириш.

5.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:

5.1.5. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қуриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

### 5.2. Буюртмачининг хуқуqlari

Буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли.

Агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажарishi натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган заарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга агар иш кечиктириб бажариладиган бўлса, буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишини йўқотганлигини исбот қилиши лозим.

#### 5.2. 1.Буюртмачи:

5.2.2. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.3. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Пудратчига хақ тўлаш шарт.

5.2.4. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичида объектни қабул қилиши шарт.

5.2.5. Объект бинонинг ичкари кисмida жойлашган бўлса қуриқлаш учун буюртмачи томонидан объектни қуриқлаш учун масъул ходим биректирилиши лозим.

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари маҳсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 2 ойгача хақни тўлаб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.

6.2 Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбор тараф ушбу маҳсулот кийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

6.3. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,05% пеня тўлайди.

6.4. Жами томонлардан ундирилган пеня сўммаси низоли сўмманинг 50% ошмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 7. Форс-можор холатлари

7.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қушиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фукаролик тартибсизлиги, вабо таркалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий оғатлар билан боғлик холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Узбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир курсатиши ёки монейлик қилиши тўгрисида бошқа тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувлчилар бошқа тарафга хабар юбориш йули билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

## 8. Низоларни хал қилиш тартиби

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иктиносидий судида кўрилишига тегишли бўлади.

## **9. Шартномага қушимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишида расмийлаштирилиб хар иккала тараф имзолаган холларда хақиций кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Узбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган заарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 3 ойдан кўпга ошиб кетганда: Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда: Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги карори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг хажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга карор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## **10. Бошқа шартлар**

10.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар хамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикас етказган холлари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вактдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 1 йил кафолат муддати белгиланган.

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси акс эттирилади.

10.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси курсатилган муддат ичida бажарилган ишларнинг бунга жихозларни хам қушиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига хақли.

10.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади хамда тарафнинг мазкур масала бўйича иктисади судига мурожаат қилиш хукукини истисно қилмайди.

10.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим кисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.

10.7. Пудратчининг айби билан объектини қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган заар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товои тўланади.

10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва  
хар бир томонда бир нусхадан сакланади.

10.9. Тарафларнинг хошилари бўйича бошқа шартлар.

10.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлимидан  
руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва “31” декабрь 2022 йилгача  
амалда бўлади.

### 11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»  
“Неи старт-ур булдингс”

«Буюртмачи»  
Тошлок тумани ХТБ

Манзил: Тошлок тумани

Тел./факс: 911236600  
х/р: 20208000905200578001

Банк номи: Фарғона Крилиш банк  
МФО: 01037  
СТИР: 306 351 864  
ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Манзил: Тошлок ш. Огохий № 1

шх/р: 100022860302277092100075057  
СТИР: 200 186 214

ОКОНХ: 92 310  
Ғазна шх/в: 23402000300100001010  
Банкнинг номи: ХККМ марказий  
банк

Тошкент ш. ББ  
МФО: 00014 СТИР: 201 122 919

Рахбар:



Ж. Вахобов

Рахбар:



Солиев

Toshloq tuman xalq ta'limi bo'limi, hamda "NEW START UP-BUILDINGS" MCHJ o'rta sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi binosini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi 2022-yil 24-may kuni kiritilgan 1-sonli Pudrat shartnoma loyihasiga

### YURIDIK XULOSA

Shartnoma miqdori: 49 500 000 ( qiriq to'qqiz million besh yz )sumni tashkil qiladi.

Toshloq tumani Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti Q.Asqarov yuqoridagi shartnoma yuzasidan xuquqiy ekspertiza o'tkazdim. Huquqiy ekspertiza O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 21-moddasiga asosan o'tkazildi.

Shartnomada ko'rsatilgan munosabatlarning amaldagi qonun normalari talablariga mos kelishi, shartnoma shartlarining qonun xujjatlari talablariga mos kelishi, shartnoma bo'yicha taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonun xujjatlari talablariga mos kelishi huquqiy ekspertizaning predmeti xisoblanadi.

Huquqiy ekspertiza o'tkazilayotgan vaqtida O'zbekiston Respublikasining amalda bo'lgan hamda yuridik xizmat uchun foydalanish mumkin bo'lgan barcha qonun xujjatlari o'rganib chiqildi.

Huquqiy ekspertiza natijasida quyidagilar aniqlandi:

Shartnoma ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni xamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, Iqtisodiy Protsessual kodeksi tartibga solinadi.

Mazkur shartnoma qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markazi bosh yuriskonsulti:



Q.Asqarov